ҒИРРОМЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

...контрактация шартномалари тузилишини таъминлаш вазифаси айнан А.Шайдиллаев зиммасига юклатилган эди. Унинг айби билан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган 181 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилмай қолди. Бунинг натижасида 867 гектар майдонда 638,5 млн. сўмлик пахта ёки 323 млн. сўмлик буғдой ҳосилини етиштириш имкониятлари бой берилди. Давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилди.

2 бет



ЗАНЖИР

...Ташқаридан қараганда бу ҳолат давлат ғазнасига келадиган тушумнинг ортишини кўрсатса-да, қонунан расмийлаштирилмаган бу жойларда савдо қилувчилардан патта пули ниқоби остида 578 млн. 943 минг сўм йиғиб олиниб, жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланади.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan | www.huquq-gazeta.uz | 2009-yil 26-fevral, № 09 (634)

ФАОЛИЯТ

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Республикамиз Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 февралдаги «Иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгариш ҳудудий дастури»нинг ижроси устидан назорат қилиш ва ишларни жонлантириш бўйича Тошкент шаҳар прокуратурасида тузилган ишчи гуруҳи томонидан 2008 йилда бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш бўйича 2008-2009 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастур ишлаб чиқилиб, Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳиятини ошириш, фаолият юритмаётган ва кам қувватларда ишлаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш, жонлантириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича 80 та корхона раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди.

Учрашувларда ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқаришида учраётган муаммолар муҳокама этилиб, маҳаллий инвестициялар ёки банк кредитларини мақсадли жалб қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, улар негизида янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ўртага ташланди.

Ўтказилган бундай тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, 35 та корхонада ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга йўналтирилган умумий қиймати 7,1 млрд. сўм, 7,507 млн. АҚШ доллари ва 773 минг евро миқдоридаги инвестициялар киритилди.

Тошкент шаҳар Марказий банки томонидан 2 та корхонага 500 млн. сўм миқдорида ва битта корхонага мавжуд қувватларини қайта тиклаш учун импорт контрактнинг 15 фоиз миқдоридаги пул маблағлари олдиндан тўлаб берилди.

(Давоми 3-бетда).

ТАҲЛИЛ

СОЛИҚЛАР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш борасидаги ислоҳотлар чуқурлашиб бормоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришда эса давлат солиқ сиёсати алоҳида ўрин тутади. Негаки, солиқлар халқ фаровонлиги, сиҳат-саломатлик, ўғил-қизларимизнинг таълим ва тарбияси манбаи демакдир. Шундай экан, иқтисодиётимиз равнақи ҳар биримизнинг солиқларни ўз вақтида тўлаб боришимизга бевосита боғлиқдир.

Шу боисдан, солиқ базасини кенгайтириш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортишнинг янги механизм ва каналларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашиш муҳим аҳамият касб этади. Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти органлари томонидан бу борада 2008 йилда муайян ишлар амалга оширилди.

Аввало кадрларни тайёрлаш ва уларнинг касб маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Бош прокурор буйруғи асосида ташкил этилган тезкор ходимларни тайёрлаш махсус курсларида 112 нафар ходим ўқиб, тезкор-қидирув соҳаси бўйича сертификатларга эга бўлдилар.

Жиноятларни бевосита тезкор-таҳлилий йўллар билан аниқлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш ишлари кучайтирилди. Натижада, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин тўвлаш жиноятларини фош этиш 1,3 бараварга кўпайди.

Фош этилган қонунбузарликларнинг сабаблари мунтазам таҳлил қилинди. Улар асосида айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Бош прокуратурага тақдим этилди. Муайян фаолият йўналишлари бўйича эътиборга лойиқ натижаларга эришган ҳудудий бошқармаларнинг ижобий иш тажрибалари билан бевосита жойида танишиш амалиёти йўлга қўйилди. Чунончи, барча ҳудудий бошқарма раҳбарлари, бўлим бошлиқлари иштирокида Бухоро вилоятида ишларни ташкиллаштириш бўйича ўқув семинарлари ташкил этилиб, ижобий тажрибалар оммалаштирилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида барча фаолият йўналишлари бўйича ижобий кўрсаткичларга эришишга муваффақ бўлинди. Бюджетга 191 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиши ва 79,6 млрд. сўм ундирилиши таъминланди. Ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирлар натижасида 4430 та жиноят ва 1109 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фош этилди.

Таъкидлаш жоизки, фош этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича қўшимча ҳисобланган маблағларни бюджетга тўлиқ ундирилишини таъминлаш бўйича самарали тезкор кузатув йўлга қўйилганлиги натижасида қатор қонунбузарликлар фош этилди.

Тошкент туманида суд ижрочиси С.Шарипов ушбу тумандаги мутасадди солиқ, молия ходимлари билан жиноий тил бириктириб, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ноқонуний муомаладан олиниб, давлат фойдасига ўтказилган товарларнинг нархини асоссиз пасайтириб сотиш йўли билан бюджетга 578,8 млн. сўм зарар етказганлиги аниқланди.

Гулистон шаҳар суд ижрочилар бўлими бошлиғи М.Юсупов фош этилган валютага оид ҳуқуқбузарликлар бўйича олинган 6,3 минг АҚШ доллари, 48,4 минг қозоқ тенгеси ва 3,1 млн. сўмни ўзининг ихтиёрида эканлигидан фойдаланиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

(Давоми 3-бетда).

Зоҳид ДЎСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти бошлиғи

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансоларликларга йўл қўйилган тақдирда,

Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига қўнғироқ қилишингиз мумкин:

Т/р	Ҳудуд	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91, 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилояти	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилояти	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилояти	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилояти	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилояти	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилояти	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилояти	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилояти	Код: 8367 225-38-22
12.	Сурхондарё вилояти	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳри	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилояти	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилояти	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилояти	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг кундалик қабули навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

АНЖУМАН

Ҳуқуқий маданият сари

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ташаббуси билан Тошкент вилоят Адлия бошқармасида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Матбуот анжумани Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини аҳоли орасида тарғиб этиш, уларнинг туб моҳияти ва мақсадини «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» даврида кенг жамоатчиликка етказиш, бу борада оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, ушбу соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда келажакдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Анжуманда Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходимлари, Республика ва вилоят миқёсида фаолият юритувчи давлат ва нодавлат ОАВ вакиллари, вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари ҳамда уларнинг ҳуқуқий тарғибот ва матбуот бўйича ходимлари, Суд департаменти, нотариат ва ФҲДЁ, адвокатура йўналишидаги масъул ходимлар иштирок этишди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш асосий вазифалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Тошкент вилоят Адлия бошқармаси ва қуйи тизим идоралари томонидан 2008 йил давомида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган жами 3288 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари амалга оширилган.

Шунингдек, тадбир давомида адлия органлари ва муассасалари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига оид матбуот, телевидение ва радио материалларининг сифат ва мазмундорлигини яхшилаш, бу борада амалга оширилган ишлар, мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда истиқболдаги режалар ҳақидаги таклифлар билдирилди.

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq» мухбири

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, соҳада йўл қўйилаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти органларининг асосий вазифасидир. Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда 2008 йилда муайян ишларни амалга оширди.

Ноқонуний фаолият

Жойларда, ҳуқуқ тарғиботи борасида 1842 та тадбир ўтказилди. ОАВ имкониятларидан унумли фойдаланилиб, 570 та чиқишлар қилинди. Тарғибот натижалари самарали бўлди. Солиқ тўловчилардан давлат бюджетига 2 млрд. 200 млн. сўмлик маблағлар ихтиёрий равишда ундирилишига эришилди. Бюджетга жами 6 млрд. 200 млн. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, унинг 3 млрд. 200 млн. сўми ундирилди. 261 та жиноят ва 17 та маъмурий ишлар қўзғатилди.

Хорижий валюталар бўйича 22 та қонунбузилиш фош этилиб, ноқонуний муомалада бўлган 34 минг 200 АҚШ доллари, 80 минг 300 Россия рубли, 7 млн. сўм, 44 минг 800 Қозоғистон тенгеси олиб қўйилди.

Хизмат ваколатларини суиистеъмол қилган 10 нафар банк, 1 нафар маҳаллий ҳокимият, 3 нафар бошқа идора ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, Кармана туман ҳокимининг собиқ биринчи ўринбосари Ш.Исмоилов мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, «Кармана мой инвест» МЧЖ ва «Меъмор-2001» МЧЖ раҳбарлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳокимият балансида бўлган 41 млн. 500 минг сўмлик омборхонани сохта ҳужжатлар билан расмийлаштириб, ўзлаштирганлиги аниқланган.

Хуфёна иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини аниқлаш, яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам бериш борасида мунтазам равишда тезкор-таҳлилий ва махсус тадбирлар амалга оширилиб, 22 та яширин цех фаолиятига барҳам берилди. Улардан ноқонуний ишлаб чиқарилган 5 млн. 400 минг сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилган.

Ўтказилган тадбирларда 13 млрд. 100 млн. сўм нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмаси аниқланиб, 112 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, «Тинч саёҳат» шўъба корхонаси мансабдор шахслари 2006-2007 йилларда 739 млн. 900 минг сўмлик нетрон толаларини нақд пулга сотиб юборибб, банкка топширмаганлиги аниқланган.

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида битта жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, Навоий шаҳрида яшовчи И.Холиқов қариндошлари А.Аҳмедов, Н.Холиқов, Г.Файзиев ва Х.Аҳмедовлар билан ўзаро тил бириктириб, ўзи томонидан ташкил этилган «Тинчлик» савдо концерни орқали «Тинч саёҳат» шўъба корхонасини ташкил этган. Бу ҳам етмагандек, улар корхона орқали амалга оширилган 241 млн. 600 минг сўмлик товар айланмаси юзасидан ДСИга ҳисобот топширмасдан, 70 млн. сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган. 241 млн. 600 минг сўмни нақдлаштириб, жиноий даромад олганлар. Ушбу маблағнинг 99 млн. сўмини янги ташкил этган 7 та хўжалик юритувчи субъектларга гўёки низом жамғармасини шакллантириш учун ўтказиб, легаллаштирганлар.

Порахўрлик жиноятларининг фош этилиши юзасидан ўтказилган тезкор тадбирларда Хатирчи туманидаги 51-сонли ўрта мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари С.Очилов мактабда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларини қабул қилиш далолатномасига имзо қўйиб бериш эвазига «Меҳнатобод» ЁАЖ раисидан 70 минг сўм ва 500 АҚШ долларини пора сифатида олганда ушланган.

Тадбиркорлик ҳаракатидаги соғлом рақобат муҳитига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган 83 та рўйхатдан ўтмаган «сохта тадбиркор»лар фаолияти ҳам фош этилди.

Фаолиятимиз давомида зиммамизга юклатилган вазифаларни бажара бориб, давлат ва жамият манфаатларига зид келувчи қонунбузарликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш борасида барча имкониятлардан фойдаландик ва бундан кейин ҳам худди шундай ишимизни давом эттирамиз.

Баҳром ЯКУБОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи

Чирофингиз ўчмасин

Бугунги ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиш қийин. Ишлаётган завод ва фабрикалардаги қудратли машиналар ҳам электр токидан узилса, зумда оддий темир матоҳга айланади. Ҳа, ҳаётимизнинг узвий бўлагига айланган электр энергиясиз яшаш жуда ҳам мушкул. Бироқ, кўпгина ташкилот ва корхоналар, айрим хонадон эгалари электр энергиясидан беминнат фойдаланиб, ҳақини тўлашга келганда турли баҳоналарни излаб топишмоқда. Электр энергиясини ҳосил қилиш учун минглаб инсонларнинг эрта-ю кеч тер тўкишини эса кўпинча эсдан чиқариб қўйишади.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан назорат ўрнатилиб, тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Аниқланишича, дебитор қарздорлик Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 103 млн. сўмга камайиб, прокуратура органларининг аралашуви билан электр энергиясидан 1 млрд. 397 млн. сўмлик дебитор қарзлар ундирилган.

Мазкур қарорнинг ижроси юзасидан 2008 йилда ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилган. Хусусан, «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси Қорақалпоғистон ҳудудий бўлими томонидан ўтказилган текширишда «Оқ олтин» ММТП ҳудудида жойлашган «Хўжайли-Нур-Диёр» фермер хўжалиги раҳбари Д.Собиров ўзига қарашли ерни суғориш мақсадида трансформатор қурилмаси ва насос агрегатини ҳужжатсиз, электр ҳисоблагичсиз Тахиатош шаҳар электр тармоқлари корхонасига қарашли линияга ўзбошимчалик билан улаб олиб, 4 млн. 830 минг сўмдан зиёд моддий зарар етказганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Баъзи хонадон эгалари электр ҳақини тўламаслик учун ҳисоблагичларни турли йўллар билан ўз измиларига бўйсундиришга уринмоқдалар. Хўжайли туман прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижасида Хўжайли шаҳрида яшовчи фуқаро Ш.Ҳабибуллаевнинг кирдикорлари фош этилди. У электр ҳисоблагични ўзбошимчалик билан тўхтатиб қўйиш йўли билан электр тармоқлари корхонасига 72 минг 479 сўмлик зарар етказган.

Элликқалъа туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда тумандаги «Алишер Навоий», «Ражапбой», «Жамшидбек Диёрбек» ва «Янгиер-43» фермер хўжаликлари ҳамда «Гулдурсун азаматлари» МТП МЧЖнинг Элликқалъа электр тармоқлари корхонасидан 2008 йил 1 январь ҳолатига жами 14 млн. 259,5 минг сўм қарздор эканликлари маълум бўлди. Суд қарорларига кўра, бу пуллар 5 та хўжаликдан туман электр тармоқлари корхонасига ундирилиб, қарздорлик бартараф этилди.

Марс ЖАНАБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори

ҲАЗИЛ ЗИЛГА АЙЛАНДИ

Халқимизда бир нақл бор. «Ҳазил, ҳазилнинг таги зил». Шунинг учун бўлса керак, ҳазилни кўтарганга қил дейишади. Агар ҳазил зилга айланиб кетса, нафақат бир инсоннинг кўнглини ранжитиб қўйиш, балки бундан ҳам ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Қуйида бўлиб ўтган воқеа ҳам ҳазилнинг орқасидан келиб чиққан ҳолатдир.

Мансур Ҳотамов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам тенгқурлари қатори ишлаб пул топиш учун пойтахтга келганди. Мардикор бозорига чиқиб, кунлик ишлар билан шуғулланиб юрди. Кунларнинг бирида катта қурилишли жойга ишга борди. Кўпчилик билан ҳамжиҳатликда ишни бошлаб, тезда ҳамма билан ошна-оғайни бўлиб қолди. Ишдан сўнг отамлашиб ўтиришлар ҳам бошланди.

Бу кун ҳам одатдаги кунлардан фарқ қилмасди. Ҳар доимгидек иш тугагач, ҳамма кечки овқатга чиқди. Чарчоқ ёзди учун йигитлар «юзта-юзта» уришди. Даврада шодон кулгу ва қаҳ-қаҳалар бошланди. Мардикор йигитлардан бири Алишер турли гаплар билан ҳаммани кулдириб, ўтирганларнинг эътиборини ўзига қаратарди. Гап орасида Алишер Мансурга ҳам турли сўзларни айта бошлади. Мансур ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди. Шу йўсинда анча вақт бир-бирлари билан сўз ўйини қилиб ўтиришди. Албатта, бунда кимдандир ножўя сўз чиқиши мумкин эди. Шундай бўлди ҳам. Мансурнинг гаплари Алишерга ёқмай у билан тортишиб қолди. Тортишув орасида Алишер Мансурнинг юзига икки маротаба уриб юборди. Вазият жиддий тус олишини кутмаган атрофдагилар уларни дарҳол ажратиб қўйишди. Иккала йигит ташқарига чиқиб, масалага ойдинлик киритиб олмоқчи бўлишди. Афсуски, юқоридаги ҳолатдан жаҳли чиққан Мансур ўзини тўхтата олмади. Қаердандир қўлига илинган пичоқни Алишернинг қорнига санчиб олди. Алишер пичоқ зарбидан ҳушини йўқотди. Атрофдагилар уни таксига ўтиргизиб, шифохонага олиб боришди. Аммо кўп қон кетиши оқибатида Алишер шифохонада вафот этади.

Суд жабрланувчи томон ва гувоҳлар фикрлари ҳамда экспертиза хулосасиси атрофлича ўрганиб, Мансур Ҳотамовни айбдор деб топди. Унга ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Бобоқул САИДОВ,
Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси

Асл деҳқон-фермерлар ҳар қарич ернинг қадрига етиб, астойдил меҳнат қилишяпти. Кўзлаган ҳосилни етиштиришяпти. Кўпроқ даромад олишга интилиш билан бирга зиммаларидаги мажбуриятларини адо этишяпти. Афсуски, ҳуқуқларини тасарруф этиб, мажбуриятини «унутиб» қўяётган «деҳқон»лар ҳам учрамоқда.

ҒИРРОМЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

Қува туман прокуратураси томонидан ўтган йилги контрактация шартномаларининг бажарилиши бўйича ўтказилган таҳлилларда ана шундай «деҳқон»лар фаолияти фош этилди. Ердан мақсадли фойдаланмасдан киссасини қаппайтиришни кўзлаган, экинлар парваришини ўз ҳолига ташлаб қўйиб, конрактация шартномаси бўйича ажратилган имтиёзли кредитларни, уруғлик, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материалларини елга совурган фермер хўжаликларининг раҳбарларига нисбатан ерни ижарага олиш шартномасини бекор қилишдан тортиб, жиноий жавобгарликка тортишгача қонуний чоралар кўрилди.

Хусусан, Равот қишлоғида яшовчи, «Муродбек Алимов» номли фермер хўжалигининг раҳбари Одина Муротова ўтган йил 11 январь куни «Пахта тозалаш заводи» ҲЖ билан шартнома тузган. 12 гектар майдонга чигит экиб, 28 тонна пахта топшириш мажбуриятини олган. Шунга асосан унга банкдан 4 млн. 85,4 минг сўм имтиёзли кредит ажратилган. Лекин фермер хўжалиги раҳбари 7 гектар майдонда униб чиққан ғўзани умуман парваришламаган, агротехника тадбирларини ўтказмаган. Ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, техника хизмати, иш ҳақи, биолаборатория хизмати, электр энергия сарфи учун кўзда тутилган кредит маблағининг 2 млн. 559 минг сўмини бутунлай бошқа мақсадларга сарфлаб юборган. Шартномада кўзда тутилган ҳосилнинг учдан икки қисмини етиштирибб бермаган.

18 гектар майдонда бошоқли дон етиштириб, 27,5 тонна буғдой етказиб бериш борасидаги шартномани ҳам бажармаган. Кредит маблағларини қарзларини қоплаш ва бошқа мақсадларга сарфлаб, «Қувадоқмаҳсулотлари» корхонасига бор-йўғи 300 килограмм буғдой топширган холос. Доннинг аксарият қисмини «чап»га пуллайверган.

Аҳмадилло Шайдиллаевнинг «ишбилармон»лиги ҳаммасидан ўтиб тушади. У Қува туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб туриб, иккита фермер хўжалигини ташкил қилади. Ўзининг номидаги «Қўҳинур Аҳмадиллаева» ва ўғлининг номига расмийлаштирилган «Фаррухбек Шайдиллаев» номли фермер хўжаликлари ишини ўзи юргизади. Ўғли раҳбар бўлган фермер хўжалиги ҳужжатларига имзосини чекиб қалбакилаштиради. Ҳар иккала фермер хўжалиги ҳисоб-китобларини шахсан ўзи юритади. «Қўҳинур Аҳмадиллаева» фермер хўжалигида шартномада кўзда тутилганига нисбатан 2 гектар ортиқча майдонга буғдой экиб, 843,7 минг сўмлик 6,5 тонна донни давлатга топширмай пуллаб юборади. 17 гектар майдондан 50 центнердан жами 85 тонна ҳосил олиб, 55,6 тоннасини давлатга сотиш бўйича контрактация шартномаси тузиши лозим бўлгани ҳолда, ер ҳосилдорлигини камайтириб кўрсатиш орқали 35 тонна дон сотиш тўғрисида шартнома тузишга эришади. Ана шу йўсинда жами 3,5 млн. сўмлик буғдойни давлатга топширмасдан ўзлаштириб юборади. Ўғлининг раҳбарлигидаги фермер хўжалигида чигит экишга, мўлжалланган 1,36 гектар майдонда полиз маҳсулотларини етиштиради. Пахта учун ажратилган кредит маблағларининг 1,1 млн. сўмини шахсий ҳодимларининг тилларини боғлаш мақсадида А.Шайдиллаев «ҳотамтойлик» қилаверди. Бўлим ихтиёридаги компьютер, принтер, «УАЗ» «Нива«, «Москвич» русумли автомашиналар, стуллар, кондиционер ва қувурларни — жами 4,6 млн. сўмлик давлат мулкини ходимларга сув текинга тарқатиб берди.

Ғирромлик йўли билан бойлик орттиришга интилган фермер хўжаликлари раҳбарлари туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг бошлиғидан «ибрат» олишиб, давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказишди.

Пахта ва ғалла етиштириш бўйича режа топшириқларини барбод қилган, контрактация шартномалари асосида ажратилган кредит маблағларини бошқа мақсадлар учун ўзлаштирган туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг собиқ бошлиғи ва фермер хўжаликлари раҳбарларига суд 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Муайян муддатга моддий жавобгарлиги бор лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Жуманазар ИСАҚОВ,
Қува туман прокурорининг ўринбосари

Туман ҳокимининг қарорларида 2008 йилда ғалла ва пахта етиштириш учун фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилишини таъминлаш вазифаси айнан А.Шайдиллаев зиммасига юклатилган эди. Унинг айби билан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган 181 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузилмай қолди. Бунинг натижасида 867 гектар майдонда 638,5 млн. сўмлик пахта ёки 323 млн. сўмлик буғдой ҳосилини етиштириш имкониятлари бой берилди. Давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилди.

Бошлиқнинг ўз «ташвиш»ларидан ортиб бўлим ишларини талаб даражасида юритиши амримаҳол эди. Қўл остидаги

СОЛИҚЛАР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тезкор-таҳлилий тадбирлар натижасида хорижий валюта билан боғлиқ 649 та қонунбузилишлар фош этилди. Бу турдаги жиноятларни фош этиш эса 308 тадан 333 тага кўпайди. Тадбирларда 49,3 млн. АҚШ доллари ва бошқа чет эл валюталарининг ноқонуний айланмаси аниқланди.

Чунончи, Сирдарё вилоятидаги «Шарқ модель» қўшма корхонаси раҳбарлари жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиб, «Асака банки»дан 1 млн. 827,5 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, нархи 629,6 минг АҚШ доллари бўлган тикув ускуналарини 1 млн. 745,1 минг АҚШ долларига сотиб олганликлари тўғрисида сохта ҳужжатларни расмийлаштирганлар ҳамда 1 млн. 115 минг АҚШ долларининг ноқонуний айланишига йўл қўйиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Ноқонуний муомалада бўлган 766,8 минг АҚШ доллари, 7,2 минг евро, 1 млн. Россия рубли, 500,5 млн. сўм, 2,6 млн. Қозоғистон тенгеси, 97,8 минг Қирғизистон соми олиб қўйилди.

Тошкент шаҳрида фуқаро С.Шарипова ноқонуний равишда ўз уйида заргарлик буюмлари билан савдо қилаётганлиги аниқланиб, ундан қалбаки тамға белгилари қўйилган 94,2 млн. сўмлик 400 турдаги 2245,07 грамм заргарлик буюмлари, 34 нафар мижозлар рўйхати ёзилган дафтар, пул санаш мосламаси, 8,3 минг АҚШ доллари, 82,7 минг Россия рубли ва 11,1 млн. сўм олинди.

Жиноятлар таҳлили «қора бозор»да ноқонуний муомалага киритилган чет эл валютасининг манбаларидан бири банк муассасаларининг айрим мансабдор шахслари эканлигини кўрсатмоқда.

Чунончи, «Халқ банки»дан 26,9 минг, «Ипотекабанк»дан 20 минг, «Микрокредитбанк»дан 13,9 минг, «Туронбанк»дан 5,8 минг, «Асакабанк»дан 5,6 минг, жами 72,2 минг АҚШ доллари ноқонуний чиқим қилинганлиги аниқланди.

АТ «Ипотека банк»ининг С.Раҳимов филиали мансабдор шахслари фуқаролар Қ.Исроилов, М.Поянов ва А.Ҳасановларнинг фуқаролик паспортларидан фойдаланиб, ноқонуний равишда 105 минг сўм ҳақ эвазига 15 минг АҚШ долларини 20,1 млн. сўмга сотганлиги аниқланиб, улардан ноқонуний сотувга чиқарилган жами 20 минг АҚШ доллари олинди.

Таъкидлаш жоизки, тилло ва заргарлик буюмларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш йилдан йилга ўсмоқда. 2007 йилда шу каби 9 та жиноят фош этилган бўлса, 2008 йилда 16 та жиноят фош этилди. Ҳуқуқбузарлардан 3,5 млрд. сўмлик тилло ва заргарлик буюмлари, 47,1 минг АҚШ доллари олинди.

Текширишларда бир қатор уюшган жиноий гуруҳлар томонидан ноқонуний равишда ҳар хил металлардан заргарлик буюмлари ноқонуний тайёрланганлиги, уларнинг таркибида гўёки тилло борлиги тўғрисидаги белгилар қўйилганлиги ва бундай буюмлар заргарлик дўконлари орқали ноқонуний сотилганлиги аниқланди. Чунончи, Тошкент шаҳрида «Ос-монбек голд» ХФга қарашли «Заур» заргарлик дўкони ходимлари фуқаро Э.Шкаликова тамға ва фирма ёрлиғи қалбаки бўлган 4 дона заргарлик буюмларини 423,2 минг сўмга сотганлиги аниқланди. Тадбирда дўконда мавжуд бўлган 1616 турдаги 1,4 млрд. сўмлик заргарлик буюмларидан 1,1 млрд. сўмлигида қўйилган ёрлиқ ва тамғалари қалбаки эканлиги аниқланди.

Худди шу каби, фуқаро П.Ҳакимовнинг «Алиев заргари» ХФга қарашли дўконидан ҳам ноқонуний сотувга чиқарилган 313,6 млн. сўмлик қалбаки заргарлик буюмлари олинди.

Ўтказилган тадбирларда жиноий даромадларни легаллаштиришга оид 26 та жиноят фош этилди. Андижон туманидаги «Анд баркамол ҳамроҳ» хусусий корхонаси раҳбари Б.Дадамирзаев бошқа фуқаролар билан ўзаро тил бириктириб, ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланган ва шу йўл билан 2,1 млрд. сўм пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасини амалга оширган. Бундан ташқари, 459,8 млн. сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган, 71,5 млн. сўм ноқонуний олган даромадларини «Мурувват сайқали», «Замонавий мебель қурилиш», «Садаф савдо люкс» ва «Шодлик жилоси» МЧЖларнинг гўёки низом жамғармасини шакллантириш учун ўтказиб, легаллаштирганлар.

Шу каби, фуқаролар М.Цой ва Б.Мирзараҳимовлар Учқўрғон туманида «Бахтиёр Капэкс-торг» МЧЖни ташкил этиб, ушбу жамият орқали маблағларни нақдлаштириш ва солиқларни яширишга эвазига олган жиноий даромадларини гўёки низом жамғармасини шакллантириш учун киритиб, бирин-кетин 6 та хусусий корхоналар ташкил этиш йўли билан 347,4 млн. сўмни легаллаштирган.

Ўз навбатида, юқоридаги корхоналар орқали жами 8,8 млрд. сўм товар айланмасини амалга ошириб, 595 млн. сўм солиқларни қасддан тўламаган, 4 млрд. сўмни нақдлаштирган.

Департамент органлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу йўналишда ўтказилган тадбирларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказган, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилган 195 нафар банк, 39 нафар маҳаллий ҳокимият, 26 нафар солиқ ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Коррупциянинг ижтимоий хавфли кўринишларига ҳисобланмиш порахўрликка қарши курашиш борасида олиб борилган ишлар натижасида 54 та жиноят фош этилди.

Айниқса, тадбиркорларнинг қонуний фаолият кўрсатишига, уларнинг ривожланишига тўсиқ, суиистеъмолчиликлар, тамагирликларни фош этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қашқадарё вилоят Синов ва сертификатлаштириш маркази инспекцион назорат бўлими масъул ходимлари Ж.Муҳаммадиев ва М.Ҳамраевлар тадбиркор Н.Аллаёровага оилавий нон ишлаб чиқариш фаолияти бўйича берилган мувофиқлик сертификатини бекор қилмаслик эвазига тамагирлик йўли билан 1,2 млн. сўмни пора тариқасида олганида ушланди.

Бундай тадбирлар натижасида ноқонуний тадбиркорлик фаолиятига «ҳомийлик» қилган айрим солиқ ходимларининг жиноий фаолиятларига ҳам барҳам берилди.

Сўх тумани ДСИ шўъба бошлиғи Х.Бобоғиёсов «Сўх қурилиш таъмир савдо» МЧЖ раҳбарлари томонидан ноқонуний фаолият юритишига «ҳомийлик» қилганлиги ҳамда 92,1 млн. сўм солиқ қарздорлигини текшириш далолатномасида кўрсатмаслик эвазига 2007 йил давомида уяли телефон, 20 дона фанера ва 3,3 минг АҚШ долларини пора сифатида олганлиги аниқланди.

«Хуфёна» иқтисодиётга қарши курашиш, истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиб, 669 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Яширин ишлаб чиқаришнинг хомашё манбаларини, «раҳнамолари»ни, маҳсулотларнинг ноқонуний сотиш жойларини фош этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳуқуқбузарлардан 701,4 млн. сўмлик маҳсулот, хом ашё ва ускуналар олиб қўйилди.

Тошкент шаҳридаги «Ал-Таш» қўшма корхонасининг айрим мансабдорлари ва моддий жавобгар масъул шахслари ўзаро тил бириктириб, яширин равишда «Procter&Gamble» чет эл компаниясининг савдо белгисидан фойдаланиб, «АСЕ» номли оқартирувчи воситасини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келганлар. Улардан 64,7 млн. сўмлик 534 дона тайёр «АСЕ» оқартирувчи воситалари, 2000 дона 1 литр ҳажмдаги елим идишлар, 4100 дона этикетка ва 1500 литр суюқ оқартириш воситалари олинди.

Шу каби, Тошкент шаҳрида фуқаролар Р.Машрапов ва С.Хайруллиналар ўзаро тил бириктириб, С.Хайруллинанинг уйида яширин цех ташкил қилиб, «Coca Cola» ва «Fanta» компанияси савдо белгисидан фойдаланиб, истеъмолга яроқсиз салқин ичимларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди. Улардан 1 млн. сўмлик 45 литр ранг берувчи суюқлик, 1042 дона салқин ичимликлар, 6300 дона бўш идишлар ва қопқоқлар олинган.

Текширишларда ҳуқуқ-тартибот органлари номидан фирибгарлик йўли билан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини поймол қилишдек салбий ҳолатлар содир этилаётганлик ҳолатлари ҳам аниқланди. Чунончи, Тошкент шаҳрида фуқаро Н.Муратходжаев «монополия», «прокуратура», «департамент» ходими эканлиги тўғрисидаги қалбаки гувоҳномани кўрсатиб, «Авлод Фарм» МЧЖга қарашли дорихона сотувчиси М.Насруллаевани текшириш билан қўрқитиб, пул талаб қилган вақтида ушланди. Суриштирув давомида, Н.Муратходжаев томонидан 47 та дорихонада ноқонуний текширишлар ўтказганлиги ва дорихона мудирларини жавобгарликка тортиш билан қўрқитиб, пул олиб келганлиги аниқланди.

Ҳисобот даврида этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш бўйича 1027 та жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, транспорт ИИБ йўловчи поездларни кузатиш отряди милициоперлари И.Ҳусанов ва Р.Кашаповлар хизмат вазифасидан фойдаланиб, фуқаро А.Жияновага тегишли этил спирти ва ҳужжатсиз товарларни 50 минг сўмдан ҳақ эвазига Тошкент шаҳридан Хоразм вилоятига поездда ноқонуний етказиб бериб келганликлари аниқланди.

Бош прокуратура топшириқлари асосида муайян соҳалар бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли тезкор тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, сифатсиз дори-дармонлар ва тиббий воситаларнинг ноқонуний муомаласига барҳам бериш борасида 42 та жиноятлар фош этилди.

Қўқон шаҳрида яшовчи Ш.Рустамованинг уйида ташкил қилинган «яма»дан 209,6 млн. сўмлик четдан ноқонуний келтирилган дори-дармонлар олинди.

Шу каби, одам савдосига қарши курашиш борасида 30 дан зиёд жиноятлар фош этилиб, улар асосида «Алданганлар» номли ҳужжатли фильм тайёрланиб, марказий телевидение орқали намойиш қилинди. Умуман ҳуқуқ-тарғибот бўйича 35 минг 311 та тадбирлар ўтказилди. Табиийки бунда ОАВнинг самарали таъсирчан кучидан фойдаланган ҳолда 14 минг 469 марта чиқишлар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, барча тезкор қидирув ва таҳлилий тадбирларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш бўйича қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мақсадимиз, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган тадбиркорларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, солиқ базасини кенгайтириш орқали юртимиз фаровонлиги ва равнақига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

44 та корхонада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси бир неча баробарга ошгани ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сотиш ҳажмлари улар негизида ташкил қилинган мустақил кичик, шўъба ва қўшма корхоналар билан биргаликда 160,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан 17,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар хорижга экспорт қилинди.

Шунингдек, корхоналарда сақлаб келинаётган, фойданилмаётган товар-моддий бойликлар, тайёр маҳсулотлар сотилган, дебиторлик қарзлар ундирилган ва натижада 59,9 млрд. сўмлик пул маблағлари ишлаб чиқаришга қайта жалб этилган.

Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган бино-иншоотлар ва қувватлар негизида янги корхоналар ташкил этишга ҳам катта эътибор қаратилди. Бунинг натижасида 38 та қўшма ва шўъба корхоналар ташкил топди.

Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши натижасида корхоналар негизида ташкил этилган мустақил кичик, шўъба ва қўшма корхоналарда 3935 та янги иш ўринлари яратилди.

Мавжуд 80 та корхонанинг 16 та иқтисодий ночоридан 9 таси муддати ўтган кредиторлик қарзларини тўлиқ қоплаган, 10 та зарар кўриб ишлаётган корхоналардан 7 таси эса фойда кўриб фаолият юрита бошлаган. Шунингдек, 13 та корхонага нисбатан банкротлик таомилларини қўллаб, тугатиш ишларини очиш бўйича даъво аризалари Тошкент шаҳар хўжалик судига киритилган.

14 та корхонада эса мулк эгаларининг сармоялари ҳисобига бино-иншоотлари ҳамда мавжуд қувватларини техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш ҳамда модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

2 та корхонада мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш бўйича аниқ режалари бўлмаганлиги ҳамда инвестиция киритиш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги сабабли хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан, корхона активлари ва мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордерлари бекор қилинган.

Бундан ташқари, ишчи гуруҳ томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шаҳар ҳудудида фаолият кўрсатаётган умумий овқатланиш савдо шахобчаларида ноқонуний ишлаётган ходимлар аниқланиб, уларни буйруқ асосида ишга қабул қилиниши йўлга қўйилиб, натижада 5029 нафар фуқаронинг ишлаши қонунийлаштирилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарорига мувофиқ, 2008 йилнинг 9-10 июль кунлари ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида «Бобур» номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Мазкур тадбирда 20 мингдан зиёд ёшлар иштирок этиб, уларнинг 6107 нафари иш билан таъминланди.

Ушбу тадбирларнинг доимийлигини таъминлаш мақсадида 2008 йилнинг 23-24 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрининг барча туманларида ҳам бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бу ярмаркаларда пойтахтимиздаги 323 та корхона ва ташкилотлар 9758 бўш иш ўринлари билан қатнашиб, 2424 нафар фуқаро иш билан таъминланган.

2009 йил 7 январь куни Тошкент шаҳар прокурори ҳузурида шаҳар ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ўтказилиб, унда корхона раҳбарлари ва мулкдорлари томонидан ҳудудий дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар тингланди. 2009 йилни биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тасдиқланиб, вазифалар белгилаб олинди.

Жорий йилнинг февраль ойидан ишчи гуруҳи 2 этапдаги ишларни бошлаб, шаҳарда фаолият кўрсатаётган 7137 та саноат ва ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари билан 54 маротаба учрашувлар ўтказилди.

Ўз навбатида гуруҳ аъзолари томонидан муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, ишларни жадаллаштириш ва ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Корхоналар раҳбарларига 2009 йилда ўтган йилга нисбатан ишлаб чиқариш суръатларини ва экспорт салоҳиятини 10 фоизга ошириш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобига аҳолини иш билан таъминлаш бўйича талаблар қўйилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 12073 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти ўрганилиб, ноқонуний ишлаётган шахсларни аниқлаш ва чоралар кўриш, яъни барча ходимларни ишга буйруқ асосида расмийлаштирилиши назоратга олинди.

Комилжон ГУЛОМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унга шарт-шароит ҳозирлаётган омилларни бартараф қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишига ҳисса қўшиш прокуратура органлари ваколати доирасидаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Хоразм вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Бахтиёр ШОМИРЗАЕВ билан суҳбатимиз шу борада вилоят прокуратураси органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

ИЖРО ИНТИЗОМИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

— Шу кунларда ўтган йилда амалга оширилган ишларнинг натижалари таҳлил этилиб, асосий эътибор янги дастурларни амалга оширишга қаратилаяпти. «Ёшлар йили»нинг якунларига тўхталиб ўтсангиз.

— 2008 йил — «Ёшлар йили»да келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Махсус давлат дастури ижроси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ўқув муассасаларида таълим самарадорлигини ошириш, замонавий қулайликларга эга бўлган мактаб ва коллежлар бунёд этиш, мавжудларини таъмирлаш ишлари анча баракали бўлди. Ёшларнинг яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари томонидан ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Банк кредити туфайли мингларб ёшлар янги турар-жойлар қуришди, яшаш шароитларини яхшилаш имконига эга бўлишди. Янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшлар банк мадади билан ўз мустақил бизнеслларини бошлашди.

Вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлашда асосий эътибор ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг таълим-тарбияси ва ижтимоий муҳофазасига оид қонунлар ҳамда мехрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига яратилган шароитлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича қўйи комиссиялар ишини тўғри ташкил қилиш, уларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатишга қаратилди.

Прокуратура органлари ташаббуси билан ҳокимликлар, ички ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда дастурда белгиланган тадбирлар ижроси таъминланди.

Хулоса шундаки, йилимиз тинч-тотув ўтди. Вилоятда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. 2008 йил суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолида муҳим босқич бўлди, десак муболаға бўлмас. Шу йилдан қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Жиноий жазо тизимидан ўлим жазоси олиб ташланди. Яна бир нарсани таъкидлашни истардим. «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ва Республика Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, шу қарор билан тасдиқлаган 2008-2010 йиллар одам савдосига қарши курашиш бўйича Миллий тадбирлар режаси амалиётга татбиқ этилгани кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида аҳолининг ушбу жиноий қилмиш тўғрисида тасаввури шакилланди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушаётгани ариза, шикоят ва таклифлар мундарижаси шундан далолат беради.

— Республикамизда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Хоразм вилоят прокуратура органлари томонидан бу борада амалга оширилаётган тадбирлар хусусида гапириб берсангиз.

— Республикамизда кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган аҳоли қатламининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий жиҳатдан ёрдам бериш, нормал ҳаёт кечиришлари учун кўмаклашиш устувор вазифа саналади.

Бу жараёнда прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклатилган. Вилоят прокуратура органлари томонидан ўтган йили режада белгиланган вазифалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу вилоятда ижтимоий-иқтисодий ҳамда криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Вилоят иқтисодиёт тармоқларида ўсиш суръатлари кузатилди. Пул-кредит муносабатлари сезиларли даражада барқарорлашди. Пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлиқ берилиши таъминланди.

Жумладан, М.Валламов ва Л.Разинковалар корхонанинг 2007 йил 9 июлдаги ҳисобдан чиқариш далолатномасига асосан сақлаш муддати ўтган дори воситалари ҳамда товар моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришда қўшилган қиймат солиғини 24 млн. 323,2 минг сўмга қасддан камайтириб кўрсатишган.

Бундан ташқари, «Универсал Фарм» ЁАЖ ҚК томонидан 2006 йилнинг 1 июлига қадар ишлаб чиқарилган ва сотилган умумий қиймати 58 млн. 364,6 минг сўмлик дори воситалари бўйича тўланиши лозим бўлган 5 млн. 287,8 минг сўмлик қўшимча қиймат солиғи туман ДСИга топширилган ҳисоботлардан «тушиб қолган». Шу тариқа давлат манфаатларига 29 млн. 611 минг сўмлик солиқ тўловлари тўланмай, жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

М.Валламов корхона омбор мудири И.Умаров билан жиноий тил бириктириб, корхона томонидан ишлаб чиқарилган истеъмол учун яроқсиз 9168 флакондаги 5 фоизли ва 12676 флакондаги 10 фоизли глюкоза эритмаси препаратларини йўқ қилиш чораларини кўрмаган. Бундай дори воситаларини ишлаб чиқариш, уни омборхонада сақлаб келишнинг истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғи учун қанчалик таҳдид эканлигини ҳамма ҳам тушунади. Шунингдек, М.Валламов 2008 йилнинг 21 апрелида «Река Мед Фарм» МЧЖ ҚК мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, яроқлилик ва сақланиш муддати ўтиб кетган 72 минг 504 сўмлик «метронидазол» субстанциясини мувофиқлик сертификатисиз И.Умаров орқали бериб юборган.

И.Умаров ҳам қонунбузарликда бош директордан қолишмас экан. У корхона омборхонасидаги 579.957,82 сўмлик тайёр ва хом ашё маҳсулотларини ўзлаштириб юборган.

Бундан ташқари И.Умаров дори воситалари ва тиббиёт буюмлари улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи «Bio Farm» хусусий фирмасини ташкил этиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини қасддан бузиш орқали ноқонуний бойлик тўплаш ҳаракатига тушиб қолган. Жумладан, 12 млн. 695 минг сўмлик дори воситаларини нақд пулга сотиб, савдодан тушган пулларни бухгалтерияга кирим қилмасдан ва банкка инкассация қилмасдан ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Умуман, унинг «тадбиркорлик» соҳасидаги анча-мунча қинғир ишлари аниқланган.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2008 йил 29 октябрдаги ажрими билан М.Валламов ва И.Умаровларга нисбатан жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига мувофиқ, уларнинг айблилиги ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилди.

Биламизки, амнистия имтиёз эмас, имкониятдир. Ана шу имкониятдан улар тўғри хулоса чиқарадилар, деб умид киламиз.

Азиз МУСАШАЙХОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

ЗАНЖИР

Инсон вояга етиб, ақлини танигач, орзуларига етишиш учун фаровон турмуш тарзини йўлга қўйишга интилади. Бунда у ҳаёт синовларидан ўтиб борар экан, кўрган-билганларидан хулоса қилиб ўз ҳаёт тарзини танлайди. Бу борада кимдир халол меҳнат билан яшашга интилса, яна кимдир тезроқ бойлик орттириш пайида бўлади. Хўш, бундай иш қандай хавф туғдиради?

Бунинг хавфли жиҳати шундаки, у мамлакатда бир жиноят ортидан иккинчисининг келиб чиқишига, астасекин жиноий гуруҳлар, уюшмаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, ҳалол меҳнат билан иш юритаётган тадбиркорларнинг моддий ва маънавий аҳволига, охир-оқибат мамлакат иқтисодий потенциалига салбий таъсир кўрсатади. Юртимизда бу каби хуфёна ишларга барҳам бериш борасида тинимсиз кураш, ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бундан кимдир ўзига тўғри хулоса чиқариб, эгри йўлдан қайтмоқда, лекин ҳеч ким билмайди, ҳеч ким кўрмайди қабилида иш тутиб юрганлар ҳам йўқ эмас.

Пойтахти азим Тошкентга келган ҳар қандай одам, албатта, унинг бозорларига кирмасдан кетмайди. Чунки, шаҳрда бозорлар юрт кўрки саналади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда Тошкент бозорларини янада кўркамлаштириш борасида жуда катта ишлар қилинди. Сотувчи ва харидорлар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилди. Лекин бундай хайрли ишларни амалга ошириш қийин бўлса-да, уни бузиш, йўққа чиқариш жуда ҳам осондир. Бунинг учун эса бирор бир жойни намойишкорона бузиш эмас, балки, яратилган имконият ва ваколатни суиистеъмол қилиб, шу жойнинг шаънига зид биргина қилинган иш кифоя қилади.

«Эски Жўва», халқ тилидаги «Чорсу» бозорини билмаганлар Ўзбекистонда топилмаса керак. Бозор қадимий келиб чиқиши ва такрорланмас архитектураси, кенг кўламли хизмат кўрсатиш сифати билан ҳам машҳурдир. Унинг обрўсини ушлаб туриш ва янада бойитиш ёки уни йўқотишда бозор бошқаруви асосий рол ўйнайди. К.Абдуллаев «Эски Жўва» деҳқон бозори очиқ акциядорлик жамияти раҳбари лавозимига тайинланганидан сўнг, бу борада кўп ўйлаб, ишни бозор фаолиятини пухта ўрганиб чиқишдан бошлайди. Шундан кейин, у бозордаги мавжуд имкониятлардан ўзича хулоса чиқариб, катта даромадни бехуда оқизмасдан фойдаланиш мумкинлигига амин бўлади. Жумладан, биринчи навбатда расталар сонини янада кўпайтириб, пул тушумини ошириш мумкинлиги, бундан ташқари, тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли «ҳамкорлик» ишларини йўлга қўйишни режалаштиради. Агар кўзланган режаси амалга ошса, «пичоғи» мой устида бўлишига ишонч ҳосил қилади. Аммо, бу ишни бир ўзи уддалаши қийин эди. Ниятига эришишда энг аввало ишончли шериклар керак бўларди. Шу боис у ишни ана шундай қадрларни йиғишдан бошлайди. Биринчи галда ишнинг кўзини биладиган, бу борада тажрибали одамларни ўрганади. Ҳужжатларни ўз вақтида тўғрилаб, Б.Йялловонни 1-тоифали ҳисобчи, М.Жалиевни расман бош ҳисобчи, Л.Асатуллаевни иқтисодчи вазифасига тайинлайди. Вазифаларни бу шаклда тақсимлашда, қонун тили билан айтганда, жиноий гуруҳнинг фаолият йўналишларини белгилаш, хуфёна иқтисодиётнинг норасмий ҳисоботларини юритиб бориш мақсади шакллланган эди. Шу боис ҳам, К.Абдуллаев амал унга умрбод боғлаб берилмаганлигини, имкониятдан унумли фойдаланиш кераклигини таъкидлайди.

Л.Асатуллаев, С.Саидов ва Ш.Самиковлар муқаддам ўзларига ишониб топширилган мол-мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликлари ва бошқа жиноятлари учун судланиб, бир йил муддатга моддий ва мансабдорлик лавозимларини эгаллашдан маҳрум қилинган бўлсалар-да, К.Абдуллаев бунга эътибор бермайди. У асосий эътиборни кадрларнинг шахсига эмас, балки уларнинг «қобилиятига», «иш беришига» қаратди. Шунинг учун, суд ҳукмидаги талабларнинг бажарилганлигини кўрсатиш мақсадида, аввал бош ҳисобчи бўлган Л.Асатуллаевни иқтисодчи вазифасига, назоратчи С.Саидов ва Ш.Самиковларни фаррош вазифасига ўтказиш тўғрисида 2007 йилнинг 1 июнида сохта буйруқлар чиқариб, амалда уларга аввалги хизмат вазифаларини бажаришни давом эттиришни буюради.

Пул тушумини таъминлашда муҳим рол ўйнайдиган марказий паттачилар О.Юсупова ва З.Юсуповаларга патта пули тўловларини

имкон қадар назорат касса машинасидан ўтказмаслик, кирим қилмаслик ва иложи борича сохта кирим ордерларидан фойдаланиш мажбурияти топширилади.

Бозорда пул топишнинг энг қулай ва ишончли усулларидан бири — бу эскидан синалган ишни қилиш, лекин бу сафар уни янада кенгайтирилган, замонавий тилда такомиллашган вариантда қилиш керак эди. Яъни, патта пулларини мавжуд расталар бўйича яшириб қолиш эмас, балки расталар сонини «расман» кўпайтириш ҳисобига амалга ошириш керак эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 июлдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қоидаларнинг 13-бандида бозор ҳудудида тасдиқланган схемадан ташқари савдо ўринлари ташкил этиш таъқиқланади дейилган. Лекин жиноий гуруҳ учун бу қонуний тўсиқни бузиб ўтиш ҳеч нима эмас эди. Бу борада Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳамда Тошкент шаҳар савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан тасдиқланган «Эски Жўва» деҳқон бозорининг савдо жойлари дислокациясига нисбатан уюшган жиноий гуруҳ томонидан 2007 йил ва 2008 йилнинг 1-чораги давомида бозорда жами 1005 та қўшимча, ҳеч қаерда қайд этилмаган савдо ўринлари ташкил этилиши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади. Ташқариданқараганда, бу ҳолат савдо расталари сони кўпайтирилиб, давлат ғазнасига келадиган тушумнинг ортишини кўрсатса-да, қонунан расмийлаштирилмаган бу жойларда савдо қилувчи шахслардан патта пули ниқоби остида «назоратчи» — расман фаррошлар томонидан шу давр мобайнида жами 578 млн. 943 минг сўм миқдоридаги пуллар йиғиб олиниб, кирим қилинмасдан жиноий гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланади.

Осон йўл билан бундай пулни қўлга киритган жиноий гуруҳ шу билангина чекланиб қолишни истайди дейсизми? Аксинча, уларнинг нафси ҳакалак отиб, навбатдаги жиноятга ҳеч иккиланмай қўл уришади.

Бозорнинг ТИМ-2 савдо мажмуасида 368 млн. 794,6 минг сўм қийматидаги 13 та савдо дўконлари бўлиб, уларни қайта баҳолатиш йўли билан нархи 430 млн. 957,2 минг сўмга кўтарилади. Сотилиши натижасида ҳосил бўлган 62 млн. 162,6 минг сўм миқдоридаги пул ҳам солиққа тортиладиган базага киритилмай, ўзлаштирилади.

Бугунги замонавий бозорларнинг ҳар бирида автомобиллар учун тўхтаб туриш жойлари ажратилган. Худди шундай жой «Эски Жўва» деҳқон бозорида ҳам мавжуд бўлиб, анчагина майдон ажратиб қўйилган. Бироқ, «уддабурон»лар шу ерни ҳам кўздан қочиришмади. Ҳисобот ҳужжатларида бу майдонни 2340 кв.м.га кам кўрсатиб, маҳаллий бюджетга тўланиши лозим бўлган 243 млн. 589 минг сўм, Республика йўл жамғармасига 7 млн. 307,6 минг сўм, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига 4 млн. 871 минг сўм, пенсия жамғармасига 3 млн. 410 минг сўм миқдоридаги мажбурий тўловни амалга оширмай, ўзлаштириш орқали давлат манфаатларига жами 262 млн. 711,8 минг сўм миқдорида зарар етказишган.

Бу ишларнинг барчаси жиноий гуруҳни янада «илҳомлантириб», унинг қўлами ва манбаларнинг кенгайишига, янги жиноий усулларни қўллаш орқали ноқонуний даромадлар қўламининг ортиб боришига хизмат қилаверган.

2007 йилнинг июль ойида «Monolit beton story» МЧЖ раҳбари М.Мирҳомидов ва терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган «Йўлдош» исмли шахс билан қилинган ўзаро келишувга кўра, мазкур жамият бозор ҳудудида қурилиш ишларини бажариши лозим бўлади. Бу ҳақда сохта шартнома тузилади. Орадан бир ой ўтиб, яъни 2007 йилнинг август ойида гўёки бозор ҳудудида дон, картошка-сабзавот, шунингдек, гумбаз атрофида савдо расталари қурилганлиги тўғрисида сохта далолатнома тузилиб, аслида бажарилмаган иш учун қурилиш ташкилоти ҳисоб рақамига 45 млн. 122 минг сўм ўтказиб берилади.

Халқимизда «ярани даволамасанг газак олиб кетади» деган гап жуда кўп ишлатилади. Бу бежиз айтилмаганлигига кўп маротаба амин бўламиз. Бозордаги жиноий гуруҳнинг ҳам шу пайтга қадар қилган ишлари камлик қилганидек бир жиноят иккинчисига замин яратаверган.

К.Абдуллаев ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланиш учун бош ҳисобчи М.Жалиев ва иқтисодчи (аслида норасмий бош ҳисобчи) Л.Асатуллаевлар билан биргаликда «Eskado qurilish» унитар корхонаси раҳбари ва терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган «Азиз» исмли шахс билан тил бириктириб, бозорга қарашли гумбаз ичидаги чойхонада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги тўғрисида худди юқоридаги каби усулда сохта далолатнома тузишади. 15 млн. 383 минг сўм миқдоридаги пулни унитар корхонага ўтказиб, жамият мулкини талон-торож қилишади.

Албатта, жиноий гуруҳ ва унга шерик бўлган ҳар икки қурилиш ташкилоти «мушук офтобга текинга чиқмайди» қабилида иш тутишади. Ўзаро келишувга кўра, ўтказилган умумий пул суммасининг йигирма беш фоизи қурилиш ташкилоти, қолган етмиш беш фоизи эса К.Абдуллаев бошчилик қилаётган «уддабурон»лар томонидан нақдлаштириш орқали ўзлаштирилади.

Гуруҳнинг бундай ишлари шундай томир отгандики, бозордаги бирон бир фаолият жиноий тус олмасдан қолмаганди. Жумладан, 2007 йилнинг 20 февралида К.Абдуллаев ва «Эски Жўва барака» МЧЖ ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилиб, бозордаги гўшт дўконларини таъмирлаб берганлиги учун бозорнинг «Эски Жўва барака» МЧЖ олдида ҳосил бўлган 50 млн. сўм миқдоридаги қарздорлик эвазига бозор балансидаги 15 та дўкон ва 20 та пештахта музлатгичи қарздорлик қоплангунга қадар фойдаланишга бериб қўйилган. Лекин «Эски Жўва барака» МЧЖ ундан-да уддабурон экан. У мазкур дўкон ва музлатгичларни бошқаларга иккиламчи ижарага бериб, ундан 59 млн. 964 минг сўм миқдорида даромад олади. Бу билан масъулияти чекланган жамият кўрсатган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун бозордан олиши лозим бўлган 50 млн. сўми яна 9 миллион устама фойдаси билан кириб келишига эришади. Бунинг устига, К.Абдуллаев томонидан ижарага берилган мол-мулкларни ҳам бозорга қайтариш чоралари кўрилмай, уларнинг растрата қилиб юборилишига йўл қўйилган.

К.Абдуллаев бозор мулкини талон-торож қилишдан ташқари, мансаб сохтакорлигига ҳам қўл уради. Ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиш орқали 2007 йилда 63 та ижара шартномасидаги ер майдонларини 73 кв. метрга кам кўрсатиб, 818 минг сўм яширинча даромад олади. Бундан ташқари, худди шундай ҳолатни автомобиллар тўхташ жойини «Рухсалис» хусусий корхонасига ижрага берганда унинг 1008 кв. метрдан иборат бўлган ер майдонини 259 квадрат метрга кам кўрсатиш натижасида 2 млн. 971 минг, жами 3 млн. 790 минг сўм миқдоридаги маблағларни ўзлаштириб юборганликда ҳам кўриш мумкин.

Буни қарангки, К.Абдуллаев бошчилигидаги жиноий гуруҳ борган сари жиноий фаолиятини янада кенгайтириб, жиноий ҳалқанинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлаб бораверган. Бу қилмишлар оқибатида бозорда биронта ҳам жиноий даромад аралашмаган ва давлат манфаатларига зарар етказилмаган соҳа қолмаган. 2006 йили бозор гумбази остидаги 118 квадрат метрдан иборат бўлган омборхона «Зарбдор савдо сервис» МЧЖга фойдаланишга бериб қўйилади. Ушбу жамият бу ерда антисанитария шароитида қонунга хилоф равишда мева шарбатлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бироқ, бу корхонанинг на ижара ҳақлари, на унинг коммунал хизматдан фойдаланиш ҳақлари бирон бир ҳужжатда қайд этилмасдан, биргина ана шу икки ҳолатнинг ўзи билан бозор манфаатларига 3 млн. 87 минг сўм миқдорида зарар етказилди.

«Зарбдор савдо сервис» МЧЖ биргина 2007 йил давомида улгуржи савдони йўлга қўйиб, 1 млрд. 404 млн. 879 минг сўм миқдоридаги товар айланмасини амалга оширади. Лекин ҳисоботларда уни 809 млн. 934 минг қилиб кўрсатиб, давлатга тўлаши керак бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлайди. Мазкур жамият раҳбари О.Мирзаматов ушбу ҳаракатлари билан солиққа тортилиши лозим бўлган базани қасддан камайтириб кўрсатиб, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган. Қолаверса, О.Мирзаматов дастлаб «Аэробек» унитар корхонасига, кейинчалик терговда шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сохта ҳисоб-фактураларга асосан 2006 йилнинг декабрь ойидан 2007 йилнинг декабрига қадар жами 26 млн. 418 минг сўмлик шакарнинг берилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштириб, амалда ушбу шакарни нақд пулга сотиб юборади. Бу пуллар ҳеч қаерда қайд қилинмасдан, тўла ўзлаштириб юборилади. Лекин О.Мирзаматов бу ҳаракатлари билангина чекланиб қолмаган. У ўз фаолиятини янада кучайтириб, 2008 йилнинг биринчи чорагида шакар билан бир қаторда ўз омборчиси А.Турсунов билан биргаликда шакар, маргарин, ўсимлик ёғи, совун ва бошқа шу каби, жами 321 млн. 45 минг сўмдан иборат бўлган харидоргир маҳсулотларни нақд пулга сотиб, ноқонуний фойда кўрган. Қисқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда савдо қилиш тартиб-қоидаларини ҳар тарафлама бузишган.

Ҳаётда бирон бир иш изсиз кетмайди. Бошланган ҳар қандай ишнинг қачондир якуни ҳам бўлади. Лекин бир нарса аниқки, иш қандай бошланган бўлса, унинг интиҳоси ҳам шунга яраша бўлади. Бироқ, инсонпарвар жамиятда яшар экан-миз, давлатимизнинг оқилона сиёсати ила ҳаётда адашганларга берилаётган имкониятдан ҳар ким ҳам тўғри хулоса чиқариб, ҳаётини қонуний изга тушириб олишга интилиш ўрнига ишончи суиистеъмол қилаётганлиги ачинарлидир. Кимдир жиноятга замин яратиб, унга бошқаларни ҳам тортаётган бўлса-да, қайси йўлдан боришни ҳал этишда ҳар ким ўз ақли билан иш тутиши лозим эмасми?

Халқимизда шундай мақол бор: «Ҳар ким экканини ўради».

«Занжир» узилди, суд ҳукми билан айбдорлар қилмишларига яраша жазо олишди. Бироқ... Бироқ улар ўз қилмишлари учун дўст-биродарлари, таниш-билишлари ва жамият олдида энди ким бўлишди?

Ғайратжон МУҲАММАДИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Инсонпарварлик тамойилининг амалдаги ифодаси

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида қайд этилганидек, ким бўлишидан қатъи назар, кишининг яшаш ҳуқуқи дахлсиздир. Ўта оғир жиноятда айбланган, ўзганинг жонига қасд қилган, умрига зомин бўлган жиноятчи, шубҳасиз, жазога мустаҳиқ бўлмоғи лозим.

Мамлакатимиз тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Бирлашган Миллатлар ташкилотининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга оид халқаро пакт ва бошқа халқаро конвенцияларида ҳам ўлим жазоси ҳеч бир истисносиз, инсоннинг фундаментал ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқига зид ҳисобланиши қайд этилди. Бундан йигирма саккиз йил аввал Швеция пойтахти Стокгольмда «Халқаро амнистия» ташкилоти ўтказган халқаро конференцияда ўн олтита мамлакат ўлим жазосини бекор қилган бўлса, ҳозирги кунда дунёдаги аксарият ёки 128 та давлатда ушбу жазо чораси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод қамоқ жазоси қўлланиб келинмоқда.

Мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг асоси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-мундарижаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамоҳангдир. Унда аввало, фуқароларнинг энг олий ҳуқуқи, яъни яшаш ҳуқуқи дахлсизлиги кафолатланган. Ушбу конституциявий қоидадан келиб чиққан ҳолда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида босқичма-босқич суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилинмоқда. Хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида мунтазам равишда иш олиб борилмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда Жиноят кодексининг 33 та моддасида жиноят учун ўлим жазоси мавжуд эди. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йили қабул қилинган Жиноят кодексида олий жазо кўзда тутилган моддалар 13 тагача камайтирилди. 1998 йили уларнинг сони 8 тагача, 2001 йилда қабул қилинган қонунда эса 4 тагача камайди. Айни чоғда жиноий жазоларнинг либераллашуви муносабати билан ушбу моддаларда кўзда тутилган жиноий қилмиш учун вояга етмаганлар, хотин-қизлар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан бундай жазонинг қўлланиши тақиқланди. 2003 йили яна иккитага қисқариб, ўлим жазоси жиноий жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятини содир этганларга нисбатангина қўлланадиган бўлди.

2005 йил январь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президент Ислом Каримов: «Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда», деб таъкидлади. Ушбу ишнинг тадрижий давоми сифатида 2005 йилнинг 1 августида Республика Президентининг 2008 йил 1 январидан бошлаб «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармон мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамиятини қуриш мақсадида ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнидаги муҳим қадамлардан бўлди. Энг муҳими, ўлим жазосининг бекор қилиниши Конституциямизда эътироф қилинган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг амалдаги ифодасидир.

Зеро, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсиқ қўйиш ҳамда маҳкум ва бошқа шахслар янги жиноят содир этишларининг олдини олиш мақсадида қўлланади. Демак, ўлим жазосининг жазо тизимидан чиқариб ташланиши Жиноят кодекси юқоридагидай вазифани ўтаб боришига ҳеч қандай монелик қилмасдан, қонунчилигимизнинг инсонпарварлик принципларини намоён этади. Ҳаётнинг ўзи бунинг тўғрилигини исботламоқда.

Бахтиёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари тингловчиси

Диктаторнинг ўғли ҳибсда

Гвинеянинг марҳум диктатори Лансан Контенинг тўнғич ўғли наркотик воситалари савдоси билан шуғулланишда гумон қилиниб, ҳибсга олинган. Усмон Конте сешанба куни ўз уйида ушланиб, Альфа Яйа Дьялло ҳарбий лагерига олиб келинган.

Маълумотларда айтилишича, Усмон Конте полиция томонидан душанба куни ҳибсга олинган шерикларидан олинган кўрсатмалар асосида қўлга олинган.

Гвинеяда 24 йил давомида ҳукмронлик қилган Лансан Конте 2008 йилнинг 23 декабрида вафот этган. Шундан сўнг мамлакатда ҳарбий тўнтариш содир этилиб, исёнчиларга бошчилик қилган капитан Мусо Дади Камару давлатга раҳбарлик қила бошлаган. Гвинея бош вазири Аҳмад Тидиан Суаре бошқа давлат арбоблари билан бирга ўз хавфсизлигининг кафолати эвазига барча ваколатлардан ва лавозимидан воз кечган. Рўй берган тўнтариш сабабли Гвинея Африка иттифоқи ташкилотидан чиқариб юборилган. Шундай бўлса-да, исёнчилар 2010 йилда мамлакатда демократик сайловларни ўтказишга ваъда беришди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

БОЛА САВДОСИ ФОШ БЎЛДИ

Италиянинг Авеццано шаҳри суди ўзининг қизчасини 1 минг еврога сотиб юборган украиналик аёлни 2 йил-у 3 ой қамоқ жазосига ҳукм қилди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги. Бундан ташқари, суд қизалоқни сотиб олган оилага нисбатан ҳам чора кўрди. Оилабоши 2 йилу 8 ойга, унинг турмуш ўртоғи эса 2 ярим йил муддатга қамоққа маҳкум этилди. Мазкур олди-сотдида воситачилик қилган украиналик яна бир аёл 4 йил қамоқ жазосига тортилган.

Маълумотларга қараганда, қизча 2004 йилда сотилган экан. Бу жиноят полиция томонидан ноқонуний иммиграцияга қарши кураш дастури доирасида телефон сўзлашувлари текширилаётган вақтда фош бўлган.

«Хатанга» хавфдан қутилиб қолди

Нигерия қирғоқлари яқинида денгиз қароқчилари ҳужумига дуч келган Россиянинг нефть ташувчи «Хатанга» танкери матрослари ўз кучлари билан қароқчилардан қутилишга муяссар бўлишган. Ҳужум натижасида ҳеч ким зарар кўрмаган. Мазкур танкер «Мурманск денгиз пароходлиги»га қарайди.

«Риа новости» ахборот агентлиги ҳамда мазкур танкернинг эгаси — «Мурманск денгиз пароходлиги» компаниясининг хабар беришича, Россия танкерига ҳужум қилган қароқчилар балиқ овловчи кемада бўлишган. Улар дастлаб танкер билан ёнма-ён кетишган ва тўсатдан йўналишни ўзгартириб, танкерга ҳужум қилишган. Қароқчиларга йўлланган сўровларга жавоб олинмагач, «Хатанга»да фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Беш нафар қароқчи танкерга қарата ўқ узишни бошлаган. Шундан сўнг, кема капитани ҳаммага хавфсиз жойга яширинишни буюрган. Бир соат давом этган таъқибдан сўнг, қароқчилар танкерга ета олмагач, ортга қайтишга мажбур бўлган.

Суд қарорига вето қўйилди

Буюкбритания Адлия вазири Жек Стро 2003 йилда Ироққа бостириб киришда Британия қўшинларининг иштироки тўғрисида қабул қилинган қарор матни ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг баённомасининг чоп этилишини таъқиқлади.

«BBC News» ахборот агентлигининг хабар беришича, вето жорий этиш қарори Стро томонидан 2009 йилнинг 27 январида, ахборот тортишувлари бўйича Суд палатаси Буюкбритания ҳукуматига йиғилиш баённомасини чоп этиш мажбуриятини юклаганидан сўнг қабул қилинган. Вазирнинг айтишича, мазкур ахборотнинг тарқалиши Вазирлар Маҳкамасининг мавқеига жиддий путур етказиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, Буюкбритания ҳукумати Суд палатасининг қарорини бекор қилиш бўйича Олий судга мурожаат қилиш имкониятига эга эди. Бироқ, ҳукумат «Ахборот тарқатилиши тўғрисида»ги Қонуннинг Адлия вазирига вето жорий этиш, яъни ман қилиш ҳуқуқини берадиган бандидан фойдаланишга жазм қилди.

2003 йилнинг 17 мартида Буюкбритания Вазирлар Маҳкамаси БМТ резолюциясини кутмасдан, АҚШ билан ҳамкорликда Ироққа қарши ҳарбий кампанияда иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Бостириб киришга Ироқ ҳукуматининг оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқараётганлиги тўғрисидаги важлар сабаб бўлганди. Бироқ, бир неча йиллик қидирувлар Ироқда ядро ёки бошқа оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилмаётганини кўрсатди. Режага мувофиқ, 2009 йил июль ойининг охиригача Британия қўшинлари Ироқдан батамом олиб чиқилиши лозим.

Полициячилар ҳарбийларга қарши

Ироқнинг Мосул шаҳри полициячилари тўрт нафар АҚШ аскари ва таржимонни отиб ташлашди. Ҳарбийлар полициянинг бош қароргоҳига ташриф буюришгандан сўнг ўлдирилганлар, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

Икки нафар полициячи америкалик солдатларга қарата ўқ узиб, воқеа жойидан яширинган. Маълумки, 2008 йилнинг 12 ноябрида ҳам Мосул шаҳрида айнан шундай воқеа рўй берганди. Ушанда ироқлик ҳарбий икки нафар америкалик аскарни ўлдириб, сўнгра ўз жонига қасд қилганди.

Авиадиспетчерлар намойиши

Берлиннинг икки халқаро аэропортлари — Тегель ва Шенефельд ходимлари 24 февраль куни 2,5 соатлик иш ташлаш намойишини ўтказдилар. «DW World» ахборот агентлигининг хабар беришича, улар иш ҳақини 8 фоизга оширишни талаб қилишган. Аэропортлар эса бу кўрсаткични 1,3 фоизга оширишни таклиф қилганлар. Мазкур намойишлар натижасида Тегель ва Шенефельд аэропортларининг иш графигига бир қатор ўзгаришлар киритилган.

«Яшил пойтахтлар» аниқланди

«DW-World» ахборот агентлигининг хабар беришича, Швеция пойтахти Стокгольм ва Германиянинг порт шаҳри ҳисобланмиш Гамбург Европанинг энг озода шаҳарлари сифатида қайд этилган. Бундай шарафга мазкур шаҳарларда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ишларининг талаб даражасида олиб борилиши туфайли эришилган.

Европа Иттифоқи комиссияси Стокгольм ва Гамбургни Европанинг «яшил пойтахтлари» сифатида тан олди. Бундан аввалроқ, ушбу комиссия унга аъзо давлатларда атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг самараси шиори остида танлов ўтказилишини эълон қилганди. Бу икки шаҳар ушбу кўрик-танловнинг ғолиби бўлишди.

Шундай қилиб, Швеция пойтахти Европанинг «яшил пойтахт»и номини 2010 йилда эгаллайди. 2011 йилда эса бу ном Гамбургга берилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур танловнинг финал босқичида энг тоза шаҳар номига Стокгольм ва Гамбургдан ташқари Амстердам, Бристоль, Копенгаген, Осло, Фрайбург ва Мюнстер шаҳарлари даъвогарлик қилишганди.

Карнавалдаги отишма

АҚШнинг Луизиана штатидаги Янги Орлеан шаҳрида ўтказилаётган Марди Гра карнавалининг якуний босқичида рўй берган отишма чоғида олти киши, улардан бири ёш болакай, ярадор бўлган.

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, отишма карнавални томоша қилишга келган оломон орасида юз берган. Ўқ узишни тўсатдан бошлаган 18 ва 20 ёшли икки йигит полиция томонидан ҳибсга олинди. Улар нима сабабдан бундай қилганлар, одамларга қарата ўқ узишганми ёки бир-биригами, бу ошкор этилмаяпти. Зудлик билан маҳаллий шифохоналарга келтирилган жабрланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатилган.

Марди Гра карнавали Луизианада XVIII асрнинг бошидан буён ўтказиб келинади. Француз кўчманчилари томонидан олиб келинган бу анъана қишнинг тугаши ва католикларнинг диний байрами бошланишини ифода этади.

«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

ТАКЛИФ

Тиббий хизмат яхшиланса...

Газетангизни доимо катта қизиқиш билан ўқиб бораман. Ҳатто газетангизнинг 2005 йил 30 ноябрь сонида «Ишлар тўғри ташкил этилса...» сарлавҳали мақолам чоп этилган эди. Сизларга бўлган ҳурматим, ишончим туфайли Ўзбекистонимиз футболига оид фикр-мулоҳазаларим, таклифларим битилган яна бир мақоламни юбормоқдаман. Ўйлайманки, мақолам муштарийларни бефарқ қолдирмайди.

Мен футбол клубида кўп йиллик шифокорлик тажрибамга таяниб, медицина ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларим, таклифларим билан чиқсам хато бўлмаса керак. Бугунги кунда ўзбек футболида медицина хизмати кўрсатилиши қай ҳолатда эканлиги, футболчиларнинг соғлиғи, тиббий кўрикдан ўтишлари, профилактик ишлар қай даражада ташкил қилинганлиги ҳақида тасаввурга эгаман. Очиғини айтганда, футболчи шикастланганда биринчи ёрдам бериш, доимий тиббий профилактик назоратга олиш масаласига бугунги кунда олий, биринчи ёки иккинчи лига бўлсин, етарлича эътибор йўқ. Баъзи жойларда соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида ташкил этилган тиббий хизмат кўрсатиш ва даволаш хоналаридан фойдаланиш тўғри йўлга қўйилмаган.

Инсон яхши яшаши ва ишлаши учун соғлом бўлмоғи, футболчи эса яхши ўйин кўрсатиши учун бир неча баравар соғлом бўлиши керак. Кўп ҳолларда бажарилмаётган ишларнинг асосий сабаби қилиб, маблағ йўқлиги кўрсатилади. Лекин пулсиз бажарса бўладиган ишлар ҳам адо этилмаслиги ачинарли ҳолдир.

Охирги вақтларда ўзбек футболида ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Чемпионатда кучли жамоалар пайдо бўлди. Бироқ футболчиларга намунали медицина хизмати кўрсатишни йўлга қўймас эканмиз, қилинаётган ишлар кўнгилдагидек натижа бермаса керак. Бугунги кун талабига жавоб бериш, тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим деб ўйлайман:

— ЎФФ қошида тиббий хизмат кўрсатиш ва назорат қилиш бўлимини ташкил этиш (қонуний асосда);

— Соғлиқни сақлаш вазирлигининг футболга оид медицина хизматларини тўғри ташкил қилиш ҳақидаги буйруқларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

— футболчилар соғлиғини сақлаш ва профилактика ишларини дастур ва режалар асосида ташкил қилиш;

— футбол жамоасидаги врачларнинг малакасини ошириш бўйича семинарларни дастур, режа асосида уюштириш;

— мамлакатимиз футбол жамоаларини зарур тиббий асбоб- ускуналар, дори-дармонлар билан етарлича таъминлаш масалаларини кўриш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мирзабурхон ДЎСТМУРОТОВ,
«Металлург» футбол клуби шифокори

ХАБАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, адлия органлари зиммасига инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юклатилган.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»ГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ

Шу боис, фуқароларнинг, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган «Ишонч телефони» (008 рақами) мунтазам равишда ишлаб турибди ва доимий тарғиб қилиб келинмоқда. Жумладан, Сирдарё вилоятидаги назорат қилувчи идоралар, тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилот биноларининг кўриниши қулай бўлган жойларига «Ишонч телефони» тўғрисидаги маълумотдан жами 304 таси илиниб, уларнинг сақланиши назоратга олинади.

Таъкидлаш лозимки, «Ишонч телефони»га қилинган мурожаатлар бўйича иш юритиш фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади. Хусусан, 2008 йил давомида Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га жами 146 та мурожаатлар келиб тушди. Шундан, 47 таси қаноатлантирилди, 95 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Масалан, вилоят адлия бошқармаси томонидан Сайхунобод туманидаги хусусий тадбиркор А.Усмоновнинг «Сирдарё пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига кўрсатган транспорт хизмат ҳақи тўланмасдан келинаётганлигидан норози бўлиб «Ишонч телефони»га қилган мурожаати ўрганиб чиқилиб, «Сирдарё пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси ҳисобидан жами 115 млн. 27,5 минг сўмни ундириш ҳамда мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Даъво аризаси судда кўрилиб, қисман қаноатлантирилди. «Сирдарё пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасидан хусусий тадбиркор А.Усмоновга 76 млн. 686 минг сўм пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди ҳамда камчиликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркор И.Шерматовнинг «Ишонч телефони»га қилган мурожаати адлия бошқармаси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилганда, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан 25 млн. 68 минг 55 сўм асосий қарз ҳамда 5 млн. 13 минг 610 сўм пеня ундириш масаласида суд департаменти томонидан Пахтасаноат корхонасининг ҳисоб-рақамига банд солинган бўлсада, пул маблағи банк томонидан ўз вақтида ўтказиб берилмаганлиги аниқланди.

Адлия бошқармасининг аралашуви билан тадбиркорнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, пул маблағлари ўтказиб берилди.

Фуқаро М.Бўрибоев ҳам «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, пластик карточкасига туширилган иш ҳақини Ховос тумани Халқ банкидан ололмаётганлигидан норозилигини билдирганди. Адлия бошқармасининг аралашуви билан М.Бўрибоевга иш ҳақлари тўлиқ олиб берилиб, талаби қаноатлантирилди.

Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида ишлаб турган «Ишонч телефон»ларига қилинаётган мурожаатлар қисқа муддатда, изчиллик билан ўрганилиб, тадбиркорлар, фуқароларнинг муаммолари қонун талаблари асосида ҳал этилаётир.

А.АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

МАДАДТАЛАБ МАКТУБ

Мавзедаги «ҳовуз»лар

Сирдарё вилоятининг маркази бўлмиш Гулистон шаҳрининг 4-мавзесида истиқомат қилаётган бир гуруҳ фуқаролар «Huquq» газетасига азбаройи ишонганимиздан мурожаат қилишга жазм қилаяпмиз.

Гулистон шаҳар аҳолисининг қарийб 70 фоизи истиқомат қилаётган 4-мавзе ҳудудида 2 та Педагогика коллежи, Академик лицей, Оилавий поликлиника, 2 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 70 дан ортиқ 4 ва 5 қаватли уйлар жойлашган. Аммо мавзеда канализация тармоқлари бутунлай ишламайди. «Гўзал» номли 9-боғча-мактаб мажмуасининг ҳовлисини канализациядан чиқаётган ифлос сув босиб ётибди. 18-уйининг ертўласидан оқиб чиқаётган ифлос сув 11-уй ертўласи орқали 29-уйнинг олдидаги майдонни кўлга айлантириб юборган. Хуллас, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 46, 48-уйларнинг ертўласидан канализация сувлари сизиб чиқиб, одамлар ўтадиган йўлакларни, болалар майдончаларини босиб, ҳамма ёққа ўзининг бадбўй ҳидини таратмоқда. Мана, кунлар ҳам исиб бормоқда, энди пашшаларга Худо беради. Бу нарса турли юқумли касалликларни келтириб чиқармаслигига ким кафолат беради? Унинг устига 3 ва 4-мавзедаги барча кўп қаватли уйларнинг ертўлалари сувга тўлиб кетган. Одамлар қишда ҳам пашшалар чақишидан қўрқиб, пашшахоналарда ухламоқдалар, раптер деган матоҳни сотиб олиб, тутатиб жон сақламоқдалар.

Биз бу масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига, вилоят санитария эпидемиология станциясига, шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилганмиз. Ҳатто шаҳар ҳокими 11-уйда яшовчилар билан учрашиб, масалани тўғри ҳал қилишга ваъда берганди. Лекин шу кетганича қорасини ҳам кўрсатмади.

Мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақасининг Республика босқичи шу йил март ойида Гулистон шаҳрида бўлиши ҳаммага аён-ку. Асосий спорт иншоотлари 4-мавзеда жойлашган. Биз ботқоққа ботиб ётган шаҳримизда меҳмонларни қайси юз билан кутиб оламиз?

Изоҳга ҳожат йўқ

Сизлардан мадад истаб 4-мавзе аҳолиси номидан:
Б.ҚАРШИЕВ, Р.АЗИМОВ, Я.ПАТИДДИНОВ, И.РАИМБЕРДИЕВ, Муҳаммад КАРИМ.

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: *Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar "" belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma Г —155. 29 457 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: G'.ALIMOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 23.30 2345678